

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НОРИНБОЕВ ОЙБЕК ҚОБИЛЖОНОВИЧ

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА БАНК ПЕРСОНАЛИ
БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент

08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in
Economic Sciences**

Норинбоев Ойбек Қобилжонович

Бозор муносабатлари шароитида банк персонали бошқарувини
такомиллаштириш 3

Норинбоев Ойбек Қобилжонович

Совершенствование управления банковским персоналом в условиях
рыночных отношений..... 25

Norinboev Oybek Qobiljonovich

Improving the management of banking personnel in the
Conditions of market relation 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.3/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НОРИНБОЕВ ОЙБЕК ҚОБИЛЖОНОВИЧ

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА БАНК ПЕРСОНАЛИ
БОШҚАРУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.13 – Менежмент
08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Iqt186 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Кодиров Абдусатторходжа
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Йулдошев Нуриддин Қурбонович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Бердиназаров Зафар Улашович
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент молия институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.3/10.12.2019.I.16.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tsue@tsue.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гофуров,
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодий муносабатлари шароитида банк соҳалари рақобатбардошлигини таъминлашда менежмент ёндашувларидан фойдаланиш талаб этилмоқда. Бу эса, бошқарувнинг замонавий концепцияларидан самарали фойдаланиш асосида банк персонали бошқарувини такомиллаштириш сингари муҳим вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Жаҳонда банкларнинг молия бозорида барқарор ўрин эгаллаб туриши, аввало, уларнинг рақобатлашув қобилияти, хусусан, банк персонали салоҳиятига боғлиқ ҳисобланади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида персонал бошқарувига асосий эътибор берилишига сабаб ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш субъектларига юқори даражада сифатли хизмат кўрсатиш, бунинг учун эса, персоналнинг рақамли технологиялардан фойдаланиш даражасини ошириш, мижозлар билан ишлаш, муомала қилиш сингари ижтимоий-психологик компетенцияларини шакллантириш, уларнинг лавозим поғоналари бўйича ўсиб боришини таъминлашдан иборат. Шунинг учун ҳам жаҳондаги барча нуфузли молия институтлари ва ташкилотларида персонал билан шуғулланувчи алоҳида HR-марказлари (Human resources) фаолият юритади.

Жаҳонда банк персонали бошқарувини такомиллаштиришга оид муаммоларни илмий-услубий, илмий-назарий жиҳатдан ҳал этиш юзасидан изланишлар олиб борилмоқда, хусусан, банкларнинг капиталлашув ва ликвидлилик даражасини ошириш, кредитлаш механизмини такомиллаштириш, риск даражасини пасайтириш масалаларига бағишланган ишлар шулар жумласидандир. Банк персонали бошқарувини самарали таъминлаш, халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда персонал ҳолатини баҳолашни такомиллаштириш, иш ва хизматларни оқилона тақсимлаш, банк ходимларининг малакасини узлуксиз ошириб боришда ўқитишнинг «e-learning» усулларидан кенг фойдаланиш, HR-марказлари фаолиятини тартибга солиш сингари устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб боришга катта эҳтиёж мавжуд.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда банк персонали фаолиятини такомиллаштириш борасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, кўплаб ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти ва молия бозорларини таҳликали ҳолатга келтирган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республика банк-молия тизимида кузатилаётган барқарор натижавийлик, шу жумладан, тижорат банкларининг капиталлашуви ва ликвидлигини сақлаш бугунги кундаги муҳим масалалардан биридир. Шунга кўра, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «банк тизимини такомиллаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларини молиялаштиришда банкларнинг иштирокини ошириш»¹ бўйича вазифалар белгилаб берилди.

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сонли фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Мазкур вазифалардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда банк персонали бошқарувини такомиллаштириш юзасидан тадқиқотлар олиб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги», 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Персонални бошқариш, уларнинг малакаларини ошириш, меҳнатларини рағбатлантириш, бошқарув харажатлари самарадорлигини оширишнинг назарий ва илмий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан Ж.Ж.Ламбен, П.Друккер, Е.Дихтель, Е.П.Голубков, Маҳмуд Ж.Ал Самидай, Д.И.Баркан, А.В.Буздалин, Т.Амблер ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган².

МДҲ олимларидан тижорат банклари фаолиятида менежментнинг тамойиллари ҳамда уларни такомиллаштириш масалалари В.М.Усоскин, Е.Ф.Жукова, И.В.Ларионова, И.Т.Балабанов, О.И.Лаврушина, Ю.Н.Лапнин, Н.П.Беляцкий ва Ю.А.Маленковнинг илмий изланишларида батафсил ёритилган³.

Ўзбекистонда банкларнинг хизмат кўрсатиш фаолиятларини бозор талаблари асосида ташкил этиш зарурлиги, банк персонали меҳнатининг тўғри

² Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. – СПб.: Наука, 2006 г.; Питер Друкер «Энциклопедия менеджмента» – Издание на русском языке. ООО «Издательство «Эксмо», 2012.; Е.Дихтель, Х.Хершген. «Практический маркетинг», учеб. пособие / пер. с нем. Макарова А.М.: под ред. Минко И.С. – М.: Высш. шк. 1995. –225с.; Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. – М.: Финпресс, 2008 г.; Mahmud, J.Al Samy dai, Ibrahim, Alnawas A.M. and Rodina A. Yousif, 2010. «The Impact of Marketing Innovation on Creating a Sustainable Competitive Advantage», The Case of Private Commercial Banks in Jordan. Asian Journal of Marketing, 4: 113-130.; Баркан Д.И. Маркетинг для всех: Беседы для начинающих. – J.L.: Редакционно-издательский центр «Культ-информ-пресс» совместно с социально-коммерческой фирмой «Человек», 1991. – 256с.; Буздалин А.В. «Надежность банка: От формализации к оценке», 2012. – 192 с.; Амблер Т. Практический маркетинг. /Пер. с англ. под общей ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПб.: Издательство «Питер», 1999. – 400 с.

³Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление и операции. Изд.4, стереотип. URSS. 2014. 328 с.; Синки Дж.Ф., Управление финансами в коммерческих банках: Пер. с англ. 4-го изд. / Джозеф Ф. Синки, мл. - М.: Catallaxy, 1994. - XXV, 937с.; Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ-ДАНА: Единство, 2006. - 575 с.; Тимоти У. Кох. Управление банком: пер. с англ. В 5-ти томах (книгах), 6-ти частях. – Уфа: Спектр. Часть 1, 2003. - 112 с.; Ларионова И.В. Управление активами и пассивами в коммерческом банке. – М.: Консалтбанкир, 2003. - 272 с.; Банковское дело: учебник для студентов вузов, обучающихся по экон. спец. / Под ред. Балабанов И.Т. Банки и банковское дело. – Санкт-Петербург: Питер, 2002. - 304 с.; Банковский менеджмент: учебник / кол.авторов; под ред. д-ра экон. наук, проф. О.И. Лаврушина. - 3 - е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. - 560 с.; Роуз П.С. Банковский менеджмент. БМА.М.:Дело-ЛТД.1995.-743 с.; Беляцкий Н.П. Управление персоналом. – М.: Современная школа, 2010.; Маленков Ю.А. Стратегический менеджмент: учеб. – М.: Проспект, 2009. - 224 с.

ва самарали бўлишини ташкил этишда уларнинг фаолиятини бошқариш ва ушбу тизимдаги мавжуд муаммолар иқтисодчи олимлар А.Ш.Бекмуродов, Б.Т.Бердияров, В.А.Котов, И.Л.Бутиков, Н.Х.Жумаев, О.Б.Саттаров, О.Қ.Абдурахманов, Р.Т.Турсунов, Р.Р.Тожиев, З.Б.Мустафоев, Б.К.Мирзамайдинов, М.М.Абдурахмонова⁴ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мазкур олимларнинг илмий ишларида банк персоналини бошқариш муаммоларига бевосита тўхталинмаган бўлса-да, инсон капиталининг ўрни, банкларда хизматчи-ходимларнинг малакасини ошириш, уларга ҳақ тўлашнинг мотивацион усуллари яратиш, бошқарувнинг замонавий механизмларини жорий этишнинг банкнинг умумий молиявий кўрсаткичларига билвосита таъсир этиши билан боғлиқ тадқиқотлар ўрин олган.

Хорижлик ва маҳаллий олимлар томонидан амалга оширилган ушбу тадқиқотлар муҳим назарий ва услубий манба бўлса-да, тижорат банкларида персонални самарали бошқариш, корпоратив мақсадларни амалга оширишда персоналнинг фаолият самарадорлиги ва ҳиссасини ҳисоблаш билан боғлиқ айрим муаммолар тўлиқ ўрганилмаган. Бу эса, банк персоналини бошқарув объекти сифатида таснифлаш, персонал бошқарувининг ижтимоий-иқтисодий таҳлилини амалга ошириш ва такомиллаштириш бўйича назарий ва амалий жиҳатдан илмий изланишлар олиб боришни тақозо этади. Шу боисдан, мазкур тадқиқотда ушбу муаммоларни ҳал этиш юзасидан илмий-назарий, илмий-услубий ва илмий-амалий изланишлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, Ф-1-100 рақамли «Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва модернизация қилишда инвестицион салоҳият назарияси, унинг шаклланиш механизмини яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа даражасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади замонавий менежмент усуллари кўллаш орқали банк персонал бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

⁴Бекмуродов А.Ш., Турсунов Р.Т. Халқаро бизнес. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2009. – 233 б.; Бердияров Б.Т.Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т.: БМА. 2002. – 21 б.; Котов В.А. Организация рынка ценных бумаг. – Т.: Молия, 2007.; Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана: проблемы формирования и развития. – Т.: Konsauditinform-nashr, 2008.; – 224 с.; Жумаев Н.Х., Абдурахмонов О.Қ. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: сабаблари ва уни бартараф этиш муаммолари. – Т.: Молия, 2010. – 160 б.; Саттаров О.Б. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлашни такомиллаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, БМА, 2008. – 21 б.; Тожиев Р.Р. Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришнинг инновацион стратегияси. («Агробанк»ОАТБ мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ, .2011; Мустафоев З.Б. Банк маркетинги молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.–Т.: ТДИУ.1998.; Мирзамайдинов Б.К. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги. (Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият миллий банки мисолида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ.2008.; Абдурахмонова М.М. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – Т.: ТДИУ.2010.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бозор иқтисодиёти шароитида банк персонал бошқарувининг назарий ва услубий асосларини ёритиб бериш;

банк персоналининг самарадорлигини баҳолаш услубиёти, ижтимоий ва иқтисодий моҳиятини асослаш;

банк персонали бошқарувини такомиллаштириш бўйича хорижий тажрибаларни ўрганиш ва Ўзбекистон шароитида уларни қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

банк персонали бошқарувининг ҳозирги иқтисодий ҳолатини таҳлил қилиш, меҳнат мотивациясини амалга ошириш ва кучайтириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

банк персоналига талабни аниқлаш усулини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

банк хизмат кўрсатиш персонали бошқаруви харажатларини ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш;

персонал бошқаруви стратегиясини ишлаб чиқиш, ходимлар захирасини шакллантиришнинг инновацион усулларини татбиқ этиш;

банк персонал бошқарувини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси “Асака” акциядорлик тижорат банкининг персонал бошқаруви танланган.

Тадқиқотнинг предмети бозор муносабатлари шароитида банк персонали бошқарувини такомиллаштириш жараёни билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда дедуктив ва индуктив, илмий мушоҳадалаш, қийсий таққослаш, таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, танлаб кузатиш, ижтимоий сўров ўтказиш, таққослаш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

банкларда персонал бошқаруви фаолияти самарадорлигини аниқлаш усули персонал бошқаруви билан боғлиқ харажатлар таркиби ва персонал хизматини баҳолашнинг сифат кўрсаткичлари маълумотларини назорат қилиш тизими асосида такомиллаштирилган;

банк персонал бошқарувидаги рискларнинг олдини олиш механизми банк маҳсулотлари ва хизматларининг янги турларини яратиш, уларни диверсификациялаш, «контракт банклар» низоми, «сифатни бошқариш тамойили» модификацияси ҳамда «Earnings and Liquidity» усули орқали такомиллаштирилган;

банк персонал бошқарувида балансдан ташқари фаолиятдан келувчи даромадни ошириш механизмининг логорифмик-чиқиқли иқтисодий-математик модели банкларнинг капиталлашув ва ликвидлилик даражаси, менежмент сифати ҳамда бошқарув харажатларини назорат қилиш тизими асосида такомиллаштирилган;

тижорат банклари менежменти сифатини рейтинглаш ва банк хизматлари бозорининг мувозанатини таъминловчи оптимал қарорлар қабул қилиш усули

маржинал даромад ва маржинал харажатларни ҳисоблаш тизими асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

персонални бошқаришнинг инновацион механизми ва технологияларини қўллаш натижасида «Асака» АТБ барқарорлигининг самарали бошқарув тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган;

банк персоналини самарали бошқаришда бизнес rischi даражасини пасайтириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, халқаро муқобил рейтингини кўтариш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

«Асака» АТБ персонали бошқаруви ва хизматлари самарадорлигини оширишда ўртача ва маржинал концепция усулининг қўлланилиши асосида банк бизнесида riskларни камайтиришга йўналтирилган тавсиялар ишлаб чиқилган;

банк персонали бошқаруви фаолиятини таъминлаш бўйича таклиф этилган услубий ишланмаларда банк хизматлари ҳажми, фоиз ставкаси, ўртача ва маржинал харажатлар ҳақида қарорлар қабул қилиш, инвестиция лойиҳаларини банкларнинг кредит маблағлари эвазига молиялаштириш имкониятлари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертацияда қўлланилган усулларнинг замонавийлиги ва илмийлиги, берилган илмий-услубий тавсиялар ҳамда яратилган ишланмаларнинг расмий ташкилотлардан олинган маълумотларга асосланганлиги, уларни математик-статистик ишонччилик интервалида текширилганлиги ҳамда аниқликдан четланиш интервали статистика қонунларида келтирилган ишонччилик талабига жавоб бериши, ишлаб чиқилган илмий таклиф ва тавсияларнинг тегишли ташкилотлар томонидан тан олинганлиги ва амалиётга жорий этиш учун қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва услубий асослар республика банкларида персонал бошқарувини такомиллаштиришнинг концептуал жиҳатларини ишлаб чиқиш, келажакда банк персонали бошқаруви сиёсатини такомиллаштириш, уни таснифлаш, унга талабни аниқлаш, персонал меҳнатини мотивациялаш, персонал бошқаруви стратегиясини ишлаб чиқишда мамлакатнинг мақсадли дастурларини, банкларнинг персонал бошқаруви самарадорлигини оширишга қаратилган ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, диссертацияда ишлаб чиқилган илмий-назарий ғоя ва услублар банк персонали бошқарувини самарали ташкил этиш ва ривожлантириш, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, банк персонали фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация материалларидан республика олий ўқув юртларида “Менежмент”, “Стратегик менежмент” ва “Банк персонали бошқаруви”

фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштиришда, ўқув қўлланмалар ва дарсликлар тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бозор муносабатлари шароитида банк персонали бошқарувини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида қуйидагилар амалга оширилди:

банкларда персонал бошқаруви фаолияти самарадорлигини аниқлаш усулини персонал бошқаруви билан боғлиқ харажатлар таркиби ва персонал хизматини баҳолашнинг сифат кўрсаткичлари ҳамда кирим маълумотларини назорат қилиш тизими асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Асака» акциядорлик тижорат банкининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Асака» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 18 январдаги 34П-сон маълумотномаси). Ушбу бошқарув фаолияти самарадорлигини аниқлаш усулини қўллаш «Асака» акциядорлик тижорат банкида банк персонали меҳнат унумдорлигини 2,6 фоизга, банк даромадини 1,2 фоизга, банк соф фойдасини 1,15 фоизга ошириш имконини берган;

банк персонали бошқарувидаги рискларнинг олдини олиш механизмини банк маҳсулот ва хизматларининг янги турларини яратиш, уларни диверсификациялаш, «контракт» модификацияси, «сифатни бошқариш» тамойили ҳамда банклар низоми, «Earnings and Liquidity» усули асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Асака» акциядорлик тижорат банкининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Асака» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 18 январдаги 34П-сон маълумотномаси). Рискларнинг олдини олиш механизмини қўллаш натижасида банк активларини 3044,0 млрд. сўмга, хусусий капитални 108,0 млн. сўмга ва банк депозитларини 1347,0 млрд. сўмга ошиши таъминланган;

банк персонал бошқарувида балансдан ташқари фаолиятдан келувчи даромадни ошириш механизмининг логорифмик-чизиқли иқтисодий-математик моделини банкларнинг капиталлашув ва ликвидлилик даражаси, менежмент сифати ҳамда бошқарув харажатларини назорат қилиш кўрсаткичлари асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Асака» акциядорлик тижорат банкининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Асака» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 18 январдаги 34П-сон маълумотномаси). Мазкур таклифни амалиётга қўллаш натижасида бошқарув харажатлари 22818,6 млн. сўмга камайтириш имконияти яратилган;

тижорат банклари менежменти сифатини рейтинглаш ва банк хизматлари бозорининг мувозанатини таъминловчи оптимал қарорлар қабул қилиш усулини маржинал даромад ва маржинал харажатларни ҳисоблаш асосида такомиллаштириш бўйича берилган таклиф «Асака» акциядорлик тижорат банкининг бошқарув фаолиятига жорий этилган («Асака» акциядорлик тижорат банкининг 2018 йил 18 январдаги 34П-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг банк бошқарув фаолиятига жорий этилиши натижасида бошқарув самарадорлигини 14-16 фоизга ошириш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур илмий тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси натижалари бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси ОАК эътироф этган журналларда 6 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференция материаллари тўпламларида 12 та маъруза ва тезислар нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 161 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, уни диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий этилиши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **«Бозор иқтисодиёти шароитида банк персонали бошқарувининг шаклланиш назарияси ва унинг самарадорлигини ошириш услубияти»** деб номланган, бунда банк хизмат кўрсатиш персонали меҳнати самарадорлигини таъминлашда меҳнат тақсимоли, персоналнинг маълум хизмат кўрсатиш йўналишида ихтисослашуви, кўрсатилаётган хизматларнинг сифат даражасига маънавий ва ҳуқуқий даражада жавобгар бўлиши ва интизом бўйича белгиланган талабларга жавоб бериши билан боғлиқ назарий фикрлар баён этилган.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида банкларда фаолият юритаётган персоналнинг ўрнини ҳеч қандай ресурс боса олмайди. Персонал ишчи кучи бўлиб, ўз хусусиятига эга товар ҳисобланади. Банк персонали билан банк раҳбари ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришда иш ҳақи тўлаш тизимини такомиллаштириш, муносиб меҳнат қилиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, персоналнинг касбий ва хизмат лавозимлари бўйича юқорилаб бориши учун мотивацион жараёнларни тўғри таъминлаш, улардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Персонал бошқаруви доимий равишда такомиллашиб бораётган банк хизматлари жараёнларида банд бўлган ҳар бир персоналнинг меҳнат фаолияти ташқи шароитга мослашувини эътиборга олиши зарур.

Маълумки, персонал хизмат кўрсатиш жараёнларига қанчалик кўп жалб этилса, уларнинг банк хизматлари ишида касбий профессионал фаолиятлари даражаси ошиб боради, натижада улар бажараётган хизмат кўрсатиш турлари сифатли ва қисқа вақт давомида бажарилиши таъминланади. Шу билан бирга,

банкларда банд бўлган персонал фаолиятини бошқариш нафақат иқтисодий, балки ижтимоий бошқарувни ҳам талаб этади.

Банк персоналининг касбий профессионализм даражаси ошиши маълум даражада меҳнатни ташкил этиш ва банкнинг молиявий-иқтисодий ҳолатига боғлиқ.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви шароитида моддий ва табиий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланишда персонал бошқарувининг аҳамияти, унинг фаолиятини бошқаришда бир қатор элементлар асосий ўринга эга (1-расм).




1-расм. Банк тизимида персонал бошқарувини режалаштириш ва уни ташкил этишнинг узвий боғлиқлиги⁵

Инсон ресурслари иқтисодий категория сифатида иқтисодий адабиётларда илк бор XX асрнинг 70-йилларида АҚШ олимлари “Инсон ресурслари” тушунчаси ўрнига “Персонал бошқаруви” тушунчасига ўтишларининг асосий сабаби “Персонал бошқаруви” тор корхона доирасида ифодаланиши, унинг асл негизи “Инсон ресурслари” эканлигидир.

⁵ Муаллиф ишланмаси.

“Персонал бошқаруви” билан “Инсон ресурслари” категориялари гарчи турли ижтимоий-иқтисодий маънони ифодаласа-да, персонал бошқаруви шаклланишининг асоси “Инсон ресурслари” эканлиги асослаб берилган. Бозор иқтисодиёти шароитида банк муассасалари иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиши учун уларнинг хизмат кўрсатиш фаолиятида банд бўлган персоналдан фойдаланишнинг самарали шакллари ташкил этиш зарур. Хизмат кўрсатиш жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш банк муассасалари бошқаруви томонидан персоналнинг хизмат кўрсатиш жараёнидаги аҳамиятини янада оширади ва персонал ўртасидаги муносабатларнинг бозор талаблари асосида шаклланишини таъминлайди.



2-расм. Банк хизматида персонални бошқариш омиллари⁶

Ижтимоий сиёсат иқтисодий ривожланишнинг асосий омили бўлиб, ҳар бир банк фаолияти хизмат кўрсатиш персоналига яратиб берган шароити билан баҳоланади. Банк персоналига йўналтирилган харажатлар иқтисодий жиҳатдан фойданинг ошиши, ижтимоий жиҳатдан персоналнинг турмуш даражаси

⁶ Муаллиф ишланмаси.

яхшиланиб боришини таъминлайди. Банк персоналини бошқариш самарадорлиги ишлаб чиқариш фаолиятининг объектив ва субъектив омилларига ҳам боғлиқ (2-расм).

Банк персонали бошқаруви самарадорлиги улар фаолиятини баҳолашда ягона баҳолаш тизими, иш жойларини таҳлил қилиш эвазига банк фаолиятини амалга ошириш бўйича мавжуд стандартлар ва баҳолаш нормативлари ва баҳолаш усулларига асосланиши керак. Услубий баҳолаш банкнинг миқдор, сифат ва мажмуа жараёнларини ўзида ифодаловчи стандарт ва нормативларга боғлиқ. Банк персонали бошқаруви самарадорлигини аниқлашда ҳозирги даврда кенг тарқалган усуллардан бири ҳар бир персонал фаолиятига баҳо беришдан иборат.



3-расм. Якка тартибда персонал фаолиятига баҳо бериш услуги⁷

Меҳнат ресурслари ва банк персонали ўз хусусиятларига эга бўлиб, банк персонали малакаларини ошириш билан боғлиқ инвестиция харажатлари уларнинг интеллектуал даражалари ошиб боришини таъминлайди. Банк персоналининг меҳнат унумдорлигини аниқлашда ягона умумлашган баҳолар

⁷ Муаллиф ишланмаси.

тизими ва баҳолаш услубларига асосланиши ҳамда ҳар бир персонал фаолиятига баҳо бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади (3-расм).

1-жадвал

Банк персоналига бўлган талабни аниқлаш⁸

<i>Персоналга талаб</i>	<i>Формула</i>	<i>Кўрсаткичлар</i>
Банк персоналига умумий талаб	$B_{хкп} = B_{ихи} \times \text{Э} \times \text{И}$	$B_{хкп}$ – банк персоналига талаб; $B_{ихи}$ – базис йилида банк персонали; Э – экстенсив омилар; И – интенсив омилар
Банк фаолияти учун зарур персонал имкониятларини аниқлаш	$B_{хкп} = P_y \times P_{му} \times P_{ум}$	P_y – персоналнинг умумий сони; $P_{ум}$ – персоналнинг йил давомидаги ўртача меҳнат фаолияти; $P_{му}$ – персоналнинг меҳнат унумдорлиги
Банкни зарур персонал билан тўлиқ таъминлаш	$B_{риж} = B_{риж} \times R_k \times T_k$	$B_{риж}$ – банкда мавжуд бўлган режали иш жойлари; R_k – банк иш жойларининг режали коэффиценти; T_k – иш жойларини тўлдириш коэффиценти. Бир иш жойи билан тўлдириш коэффиценти 1 га тенг бўлади.
Банк персоналига харажатларни аниқлаш	$B_x = B_{yx} - K_x$	B_x – банк персоналига харажат; B_{yx} – банкнинг умумий харажатлари; K_x – персонал харажатлари.
Банк персоналени бошқариш самарадорлиги	$P_{сб} = M_x \div P_x$	$P_{сб}$ – персонал бошқаруви самарадорлиги; M_x – кўрсатилган умумий хизматлар ҳажми; P_x – персоналга сарфланган харажатлар.

Жаҳон мамлакатлари иқтисодчи олимларининг корхона тўғрисида берган таърифларини назарий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида банк ҳам корхона каби иқтисодий категория бўлиб, у турли мулкларга асосланган маълум бир хизмат кўрсатиш фаолиятида умумжамоа аъзолари ёки маълум ижтимоий-иқтисодий мақсадларга эришиш учун персонал фаолиятини ташкил этиб, фойда олувчи ҳуқуқий ёки жисмоний субъект сифатида ҳаракатланади.

Тадқиқот ишида банк фаолияти учун зарур персоналга талаб ходимнинг мутахассислиги, касбий маҳорати ва ихтисослигига боғлиқлиги асосланган ҳамда қуйидаги формулалар орқали изоҳланган.

Диссертациянинг «**Бозор муносабатлари шароитида банк хизмат кўрсатиш персоналени бошқариш сиёсатининг ўзига хос хусусиятлари, унинг таҳлили ва меҳнат мотивацияси**» деб номланган иккинчи бобида

⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

давлатнинг ижтимоий сиёсати билан кадрлар сиёсатининг ўзаро боғлиқлиги ва у банк персонал сиёсати асосини ташкил этиши асослаб берилган. Персонал бошқарувини талаб ва таклиф қонунидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш зарурлиги, банк бошқаруви объекти сифатида уларнинг таркибий тузилишлари ўрганилган ва бошқарув субъектининг асосий вазифалари аниқланган, уни бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш зарурлиги асослаб берилган.

«Асака» АТБнинг 2012-2018 йилларда активлари ҳажми 717,9 фоизга, мажбуриятлари 730,7 фоизга, умумий капитали 624,5 фоизга ва мижозларга берган кредитлари 1028,8 фоизга кўпайган (2-жадвал).

2-жадвал

«Асака» акциядорлик тижорат банкининг умумий иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари⁹

минг сўмда

Кўрсаткичлар	2012 й.	2014 й.	2016 й.	2018 й.	2018 йилда 2012 йилга нисбатан ўзгариши, фоизда
Активлар	4228058	5163821	10135689	30355134984	717,9
Мажбурият	3720794	4527732	9350944	27187088030	730,7
Хусусий капитал	507264	636089	784745	3168046954	624,5
Мижозларга берилган кредит	2410707	3508463	6446626	2475421300	1028,8
Банк персоналига боғлиқ капитал самарадорлиги, фоизда	1,23	1,56	1,07	1,24	0,01 процент пунктга

2018 йилда «Асака» АТБ томонидан иқтисодий тармоқларга узоқ муддатга берилган ялпи инвестиция маблағлари 10 268.2 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан саноат тармоғига 7 209,7 млрд. сўм, қишлоқ хўжалигига 1 099,4 млрд. сўм, қурилиш тармоғига 610,97 млрд. сўм, қолган 1 348,13 млрд. сўм бошқа тармоқларга берилган.


Персонал бошқарув ҳолатини таҳлил қилиш асосида банк хизмат кўрсатиш персоналини бошқаришда тижорат банкларида хизмат кўрсатиш жараёни билан меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумлашган бошқарув бўлими ёки меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги бўлими, ижтимоий ривожлантириш бўлимлари ташкил этилиши мақсадга мувофиқ эканлиги асослаб берилган.

Банк персоналини бошқаришда амалга оширилган тадбирлар натижасида «Асака» акционерлик тижорат банкининг иқтисодий фаолият кўрсаткичлари ўртача бозор иқтисодий кўрсаткичларига нисбатан юқори бўлиб, 2012-2018 йиллар ичида банк активи деярли 7,1 баробарга, хусусий капитал 6,2 баробарга, кредит маблағлари эса, қарийб 10,5 баробарга ошган.

2018 йилда «Асака» АТБ томонидан жами 395401589 минг. сўмга тенг инвестициялар амалга оширилган, шунингдек, банк активлари

⁹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси «Асака» АТБ маълумотлари асосида тузилган.

самарадорлигининг 32,0 фоизга кўпайишига миллий сўмда акс этган активларнинг ўсиши таъсир кўрсатган. Хорижий валюта активларининг самарадорлиги 10,77 фоизга ошган бўлса, капиталдан фойдаланиш самарадорлиги шу даврда 0,8 фоизга ошган.



4-расм. Банк персонали меҳнатини мотивациялаш¹⁰

Мамлакатнинг ижтимоий ва кадрлар сиёсатида асосланган ҳолда банк персонали бошқарувининг ўзаро боғлиқлиги банк бошқарув тизимининг мақсади ва уларни танлаб олиш усули, ишга қабул қилишнинг асосий тадбирларига боғлиқ. Банк персонали бошқаруви ҳар бир персоналнинг меҳнатга нисбатан руҳий ҳолатларини эътиборга олиб, унга кўп қиррали шахс сифатида қараши мақсадга мувофиқ. Хизмат кўрсатиш персонали манфаатлари банк манфаатларига мос келгандагина, унинг фаолиятини самарали, деб ҳисоблаш мумкин. Банк бошқаруви ва банк хизматини кўрсатувчи персоналнинг манфаати ўзаро мос келиши учун ҳар бир банк персонали ўз меҳнат фаолиятидан манфаатдор бўлиши ва банкнинг самарали фаолиятида персоналга ишчи кучи сифатида эмас, балки зарур шахс сифатида муносабат кўрсатилиши лозим.

Банк персоналини туркумлаш ва бошқариш самарадорлигини таъминлаш унинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ. Бозор муносабатлари шароитида меҳнатни мотивациялашнинг замонавий услуби ишлаб чиқилди (4-расм).

¹⁰ Муаллиф ишланмаси.




5-расм. Банк персонали бошқарув стратегияси самарадорлигига таъсир этувчи омиллар¹²

¹² Муаллиф ишланмаси.

Диссертациянинг «Хорижий мамлакатларда банк персоналининг бошқаруви ва моддий рағбатлантиришда хориж тажрибаси, бошқарув харажатлари самарадорлигини ошириш ва персонал бошқаруви стратегиясини такомиллаштириш» деб номланган учинчи бобида банк хизмат кўрсатиш персонали бошқаруви стратегияси самарадорлигига таъсир этувчи омиллар ишлаб чиқилган ва бир тизимга келтирилган (5-расм).

Банкларда хизмат кўрсатиш персоналига ишлаб чиқариш ресурслари сифатида эмас, балки у банк учун қанчага тушиши шаклида ифодаланади. Банк хизматини кўрсатувчи персонални шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш учун персоналнинг меҳнат қилиш қобилиятини тиклаш фондини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Шунга кўра банк персонали меҳнат натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари ишлаб чиқилди ва бир тизимга келтирилди (6-расм).




6-расм. Персоналнинг меҳнат натижаларини баҳолаш кўрсаткичлари¹³

Ривожланган мамлакатларда, жумладан, АҚШ ва Германия таълим тизимини ривожлантиришга 12 %, Японияда эса 10,8 % маблағ ажратилади. АҚШ бизнес субъектлари учун зарур персонални тайёрлаш учун йилига ўрта ҳисобда 238 млрд. АҚШ доллари сарфланар экан. АҚШда ишлаб чиқариш жараёнини ривожлантириш учун сарфланган ҳар бир долларнинг 85 фоизи ишлаб чиқариш персоналини ривожлантириш учун сарфланади.

¹³ Муаллиф ишланмаси.

АҚШнинг Атланта шаҳридаги “Ишлаб чиқаришни ташкил этиш институти” маълумотига кўра, 90-йилларда маҳсулот сифатини ошириш, меҳнат унумдорлигининг ошиши 46,5 % инсон омили ҳисобига, 35,9 % ишлаб чиқариш тизимини такомиллаштириш, 17,7 % илғор ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш ҳисобига эришилган.

Муаллифнинг фикрича, АҚШ ва Япония мамлакатларидаги персонал бошқаруви тизимининг таҳлили асосида Ўзбекистон шароитида қуйидагиларни татбиқ этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: банк персоналининг хизмат қилаётган жойидаги фаолияти билан оптимал боғлиқлигини таъминлаш; банк персоналининг доимий бир жойда ишлашини моддий ва маънавий усуллар билан рағбатлантириш; персоналнинг узок муддатга, нафақага чиққунига қадар бир банкда ишлашига эришиш; персонални баҳолашда унинг кундалик бажарган иш ҳажми билан эмас, балки унинг жамоадаги мавқе ва банк даромади ошишига қўшган ҳиссаси билан белгилаш ҳамда икки-уч йилда уларнинг меҳнат фаолиятида эгаллаган лавозимлари бўйича сифат ўзгаришларига эришишлари, доимий эсда қоладиган воқеалар билан боғлиқ, хусусан, ўқув юртини тугаллаши, оила қуриши, фарзанд кўриши ёки уй-жой сотиб олиши билан боғлиқ вақтларда тақдирлаш механизмининг йўлга қўйиш; банк оладиган даромаднинг 75 %и персонални мукофотлаш, 25 % банк ихтиёрида қолиш тажрибасидан фойдаланиш.



7-расм. «Асака» акциядорлик тижорат банкининг Бош офис ва филиаллари бўйича ходимларнинг маълумоти бўйича таркиби, 2018 йил¹²

Банк хизмати кўрсатувчи персоналнинг қўнимсизлигига, иш жойларини ўзгартиришига, албатта, маълум объектив ва субъектив сабаблар таъсир

¹² «Асакабанк» акциядорлик тижорат банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

этади. Тадқиқот ишида банк персоналини ўқитиш ва малакаларини ошириш билан боғлиқ самарадорликни аниқлашнинг қуйидаги формуласи таклиф этилган:

$$X_{умо} = D * X_{ус} * V * K * X_{ух}$$

Бу ерда:

$X_{умо}$ – персонални ўқитиш ва малакасини ошириш самарадорлиги;

D – ўқитиш дастурининг меҳнат унумдорлиги ва бошқа кўрсаткичларга таъсир кўрсатиш даври;

$X_{ус}$ – ўқитилган персонал сони, киши ҳисобида;


V – персонални ўқитиш самарадорлиги коэффиценти;

K – персонални ўқитиш билан боғлиқ харажатлар, сўмда;

$X_{ух}$ – бир хил ишни бажаришда яхши ва ўртача персонал меҳнатидаги фарқ.

Банк персоналини ўқитиш ёки улар малакаларини ошириш самарадорлиги меҳнат унумдорлиги, унинг сифати, хизмат кўрсатиш миқдори, бир хил хизматни бажарувчи яхши ва ўртача персонал меҳнатидаги фарқлар билан ифодаланади.

Банк персоналини ўқитиш ёки улар малакаларини ошириш самарадорлиги меҳнат унумдорлиги, унинг сифати, хизмат кўрсатиш миқдори, бир хил хизматни бажарувчи яхши ва ўртача персонал меҳнатидаги фарқлар билан ифодаланади.



8-расм. «Асака» акциядорлик тижорат банкининг Бош офис ва филиаллари бўйича ходимларнинг ёши бўйича таркиби, 2018 йил¹²

Тадқиқот ишида «Асака» АТБнинг Бош офис ва филиалларида фаолият олиб бораётган персоналнинг таркиби, хусусан, ходимларнинг

¹²«Асакабанк» акциядорлик тижорат банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

мутахассислиги, ёши, жинси бўйича таҳлиллар амалга оширилди. 2018 йилда тасдиқланган штат жадвали бўйича жами 3087 нафар ходим кўзда тутилган бўлса, амалда 3002 нафар ходим меҳнат фаолиятини олиб борган. Шундан, мутахассислар 53,3 фоиз, касса ходимлари 22,6 фоиз, кичик хизматчи ходимлар 7,8 фоиз ва раҳбар ходимлар 16,25 фоизни ташкил этган. Банк хизматини амалга ошириш учун жами 1387 нафар аёллар банд этилган бўлса, эркаларнинг умумий сони 1615 нафарни ташкил этиб, жамига нисбатан 53,8 фоизга тенг бўлган (7-расм).

Йил бошида ишга қабул қилинган ходимлар сони 52 тани ва йил бошида ишдан бўшаганлар 49 нафарни ташкил этган. 30-40 ёшгача бўлган персоналнинг умумий штат бирлиги бўйича банд бўлган ходимларга нисбатан улуши энг юқори бўлиб, 42 фоизга тенг бўлган. Қолган ёш интерваллари бўйича эса, 30 ёшгача бўлганлар 32,6 фоизни, 40-50 ёшдагилар қарийб 17 фоизни ва 50 дан юқори бўлганлар 8,3 фоизни ташкил этган (8-расм).

Тадқиқот ишида персонал сони ва таркибининг банкнинг умумий фаолиятига таъсирини баҳолаш бўйича эконометрик таҳлиллар амалга оширилди. Энг кичик квадратлар (ЭКК) усулидан фойдаланган ҳолда ходимлар сони ва таркибининг банкнинг умумий “капитал рентабеллиги”, “активлар рентабеллиги”га таъсирининг эконометрик модели ишлаб чиқилди. Танлаб олинган ўзгарувчилар тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги жадвалда акс эттирилган.

3-жадвал

2007-2018-йилларда «Асака» акционерлик тижорат банкининг умумий самарадорлик ва персоналига оид кўрсаткичларнинг тасвирий статистикаси¹³

Тасвирий статистика кўрсаткичлари	Капитал рентабеллиги, фоизда	Активлар рентабеллиги, фоизда	Ходимларнинг умумий сони, киши	Олий маълумотли ходимлар сони, киши	Ўрта махсус маълумотли ходимлар сони, киши	Ўрта маълумотлилар сони, киши
Ўртача	8,01	1,21	2669,10	1750,74	828,52	89,84
Стандарт четланиш	2,65	0,52	189,69	81,39	80,95	27,53
Минимум	2,77	0,29	2381,64	1625,14	706,34	50,16
Максимум	10,74	1,85	3002,00	1889,00	973,00	140,00
Йиғинди	96,14	14,50	32029,16	21008,90	9942,23	1078,03
Кузатувлар сони	12	12	12	12	12	12
Ўзгарувчиларнинг белгиланиши, символлар	kr	ar	xs	oliy	o`rtm	o`rta

3-жадвалда берилган 12 йиллик маълумотлар бўйича регрессия тенгламалари ҳосил қилинди. Регрессия тенгламалари статистик жиҳатдан аҳамиятли, чунки F-статистиканинг p-қиймати 5 фоиздан кичикни ташкил этган. Ушбу ҳолат 4-жадвалда иккита юлдузча билан акс эттирилган.

¹³«Асака» акционерлик тижорат банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан R-studio дастурида тайёрланган.

Ўзгартирилган детерминация коэффициенти (Adjusted R²) эса, биринчи ва иккинчи тенгламаларда мос равишда 63 ва 74 фоизни ташкил этган. Бу олинган мустақил ўзгарувчилар иккала тенгламадаги боғлиқ ўзгарувчилардаги ўзгаришларнинг мос равишда 63 (0.631) ва 74 (0.740) фоизини тушунтириб беради, деган хулосага асос бўлади. Назарий жиҳатдан эса, мустақил ва боғлиқ ўзгарувчилар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар зичлиги юқори эканлигидан далолат беради (4-жадвал).

4-жадвал

Энг кичик квадратлар усулида регрессия тенгламаси коэффициентлари натижалари¹⁴

	Dependent variable:	
	kr (1)	ar (2)
xs	-7.155** (2.169)	-1.591*** (0.360)
oliy	7.338** (2.113)	1.590*** (0.351)
o'rtm	6.982** (2.194)	1.585*** (0.365)
o'rta	7.061** (2.279)	1.590*** (0.379)
Constant	-160.224 (161.734)	6.559 (26.869)
Observations	12	12
R2	0.765	0.835
Adjusted R2	0.631	0.740
Residual Std. Error (df = 7)	1.607	0.267
F Statistic (df = 4; 7)	5.708**	8.835***

Note: *p<0.1; **p<0.05; ***p<0.01

Келтириб чиқарилган регрессия тенгламаларида боғлиқ ўзгарувчилар сифатида капитал ва активлар рентабеллиги олинган. Бунда, барча мустақил ўзгарувчиларнинг таъсири иккала тенгламада ҳам 5 фоизлик муҳимлик даражаси билан статистик жиҳатдан аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Ходимлар сони ва капитал рентабеллиги ўртасида тескари боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Олий маълумотли ходимлар, ўрта махсус маълумотли ходимлар ва ўрта маълумотли ходимлар сони кўрсаткичлари капитал рентабеллиги ва активлар рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатаётганлиги коэффициентларнинг мусбат қиймат билан чиққанлиги билан изоҳланади.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, ходимлар сонининг ошиши, бевосита эмас балки билвосита ходимларнинг маълумотига қараб капитал ва активлар

¹⁴ Натижалар муаллиф томонидан R-studio дастурида тайёрланган.

рентабеллигига ижобий таъсир кўрсатади. Шу боисдан персонал сонининг сифат жиҳатидан ошириб борилиши банкнинг иқтисодий кўрсаткичларининг ўсишига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар ишлаб чиқилди:

1. Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий ривожланиш шароитида банк персонал бошқаруви энг долзарб муаммолардан бири бўлиб, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда мавжуд инвестиция, капитал, моддий ва табиий ресурслардан самарали ва тежамли равишда фойдаланишни ташкил этишда асосий етакчи омил ҳисобланади.

2. Персонал бошқаруви бўйича хорижий ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш асосида унга қуйидаги таъриф берилди: Персонал бошқаруви иқтисодий категория бўлиб, банкларда, корхоналарда бозор талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, персоналнинг касбий мутахассислиги ва ихтисослигини, уларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатдорлик билан уйғунлашган ҳолда самарадорлигини таъминлашдан иборат.

3. Муаллифнинг фикрича, “персонални бошқариш”, “кадрларни бошқариш” тушунчалари ўзаро яқин бўлса-да, улар ўзаро фарқ қилади. “Персонал бошқаруви” инсон ресурсларини бошқариш тушунчасига яқин. Шунинг учун персонал бошқаруви инсон ресурсларини бошқариш концепциясида инсон ресурсларининг бир қисмини ташкил этади. Шунингдек, “инсон ресурслари” тушунчаси “персонал бошқаруви” тушунчасига нисбатан кенг маънога эга. Бу икки иқтисодий категория турли ижтимоий-иқтисодий маъноларни ифодаласа-да, персонал бошқаруви шаклланишининг асосини “инсон ресурслари” ташкил этади. Чунки “персонал бошқаруви” тор маънога эга бўлиб, иқтисодий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда шаклланади, банк персонали бошқарувининг ижтимоий моҳияти мамлакат томонидан белгиланган ижтимоий сиёсатга асосланади.

4. Банк хизмат кўрсатиш харажатлари ҳам асосий ва айланма фондлар харажатлари бўлиб, жорий харажатларни ташкил этади. Банк персонали махсус товар сифатида хизмат кўрсатади, улар меҳнатининг оддий ва мураккаблигидан келиб чиққан ҳолда иш ҳақи белгиланади, шунга асосланган ҳолда банк персонали қиймати хизмат кўрсатишни ташкил қилиш учун банклар томонидан авансланган капитал эмас, балки хизмат кўрсатиш жараёнига жалб этилган персонал меҳнат харажатларини ифодаловчи иш ҳақи харажатларини ташкил этади.

5. Банкларда персонални ижтимоий муҳофаза қилишда, унинг меҳнат қилиш қобиляти, интеллектуал билим даражаси, узоқ муддат давомида ишлашларини аниқлаш мезонини белгиловчи омиллар ҳамда банк персоналига белгиланган талабларга жавоб беришини таъминлаш асосида танлаш услуби ишлаб чиқилган.

6. Банк персонали бошқарувида қуйидаги ижтимоий муаммолар

аниқланган: банк персонали бошқарувини самарали ташкил этишда ижтимоий-маданий мажмуаларг ривожланмаганлиги, меҳнат биржаларининг бозор принциплари асосида етарли даражада мувофиқлашмаганлиги, меҳнат унумдорлиги ошиб боришини таъминлашга қаратилган мотивациялар тизими шаклланмаганлиги, персонални ижтимоий ҳимоя қилиш даражаси талабга жавоб бермаслиги аниқланган.

7. АҚШ ва Япония мамлакатларидаги банк персоналининг бошқарув тажрибаларини ўрганиш асосида банк персоналининг бир жойда доимий ишлашини таъминлаш, уларнинг банк персонали бошқаруви назоратида бўлишига эришиш, уларнинг турмуши, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан шаклланишлари бошқарув назоратида бўлиши, уларни умумбанк манфаатларига мос шаклда тарбиялаш сингари механизмлардан Ўзбекистон шаротида фойдаланишнинг усул ва воситалари таклиф этилган.

8. Иқтисодчи олимлар ўртасида меҳнат ресурсларига авансланган харажатлар тариқасида фикрлар мавжуд бўлиб, банк персоналининг баҳоси турли тўловлар йиғиндисидан ташкил топган бўлиб, персонал баҳосининг (қийматининг) ошиб бориши унинг малакавий ва илмий потенциали билан боғлиқ харажатлардан ташкил топади. Шунинг учун банкларда банд персоналга ишчи кучи қиймати шаклида эмас, балки унинг банкка қанча харажатга тушиши билан белгиланиши.

9. Банклар хизмат кўрсатиш фаолиятларининг рақобатбардош бўлиши янги техника ва технологиялар қўллаш билан боғлиқ. Хизмат кўрсатиш жараёнида ахборотлар технологияси қўлланилиши хизмат кўрсатиш интеграциялашуви ва банкларда таркибий ўзгаришларга олиб келиши натижасида хизмат кўрсатиш персонали камайиши ва меҳнат унумдорлиги ошишини таъминлайди. Банкларида хизмат кўрсатиш персонали бошқаруви самарадорлигини таъминлаш, биринчидан, персонал бошқарувининг банк стратегик қарорларига асосланиши, иккинчидан, ишлаб чиқариш ходимлари бошқаруви молиявий харажатлар миқдорига боғлиқлиги, учинчидан, персонални танлаш улардан самарали даражада фойдаланишни таъминлашга асосланади.

10. Амалга оширилган эконометрик таҳлиллар натижасида амин бўлиндики, банкларда капитал ва активлар рентабиеллиги билан персонал ўртасида юқори боғлиқлик мавжуд. Айниқса, персоналнинг маълумот (квалификация) даражаси билан капитал ва активлар рентабеллиги ўртасида юқори зичликда ижобий боғлиқлик туфайли хулоса чиқариш мумкинки, бошқа омиллар ўзгармас бўлган шароитда олий маълумотли персоналнинг бир-бирликка ошиши активлар рентабеллигини ўртача 1,5 фоиз пунктга ошириш имконини берар экан (эконометрик модель бўйича). Капитал рентабеллигига ҳам ўрта ва ўрта махсус маълумот даражасига эга персоналга нисбатан олий маълумотли персонал кўпроқ ҳисса қўшиши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.3/10.12.2019.I.16.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

Норинбоев Ойбек Қобилжонович

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УПРАВЛЕНИЯ БАНКОВСКИМ
ПЕРСОНАЛОМ В УСЛОВИЯХ РЫНОЧНЫХ ОТНОШЕНИЙ**

08.00.13 – Менеджмент

08.00.07- Финансы, денежное обращение и кредит

АВТОРЕФЕРАТ

**диссертации на соискание ученой степени
доктора философии (PhD) по экономическим наукам**

Ташкент – 2020

Тема докторской диссертации (PhD) по экономическим наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан, за В2017.2.PhD/Iqt186

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tsue.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Кодиров Абдусатторходжа
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Йулдошев Нуритдин Курбонович
доктор экономических наук, профессор

Бердиназаров Зафар Улашович
доктор экономических наук

Ведущая организация:

Ташкентский финансовый институт

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 года в ____ часов на заседании разового совета при Научном совете DSc.3/10.12.2019.I.16.01 по присуждению ученой степени при Ташкентском государственном экономическом университете (Адрес: 100003, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: tdiu@tdiu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (регистрационный № ____). (Адрес: 100003, город Ташкент, ул. Ислама Каримова, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51.

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 года.)

А.Ш.Бекмуродов

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

У.В.Гафуров

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Ш.Дж. Эргашходжаева

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях мировых экономических отношений требуется использование подходов менеджмента в обеспечении конкурентоспособности банковского сектора. А это ставит такие важные задачи, как совершенствование управления персоналом банка на основе эффективного использования современных концепций управления. Стабильная позиция банков на финансовом рынке в мире зависит, прежде всего, от их конкурентоспособности, в частности, от потенциала банковского персонала.

